“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент КФУК
Бош мухандис ____________А.Хожиев
“17” январ 2022 йил

**“Тошкент вилояти Кибрай ва Юкоричирчик туманларидан ўтувчи 19,2 км узунликдаги янги йуналишдаги автомобил йўлини ( кўприк ва йўл ўтказгичдан ташқари) қуриш ( 1- боскич, Тошкент шахри Махтумқули кўчасидан 4Р12 автойўлигача, 2-боскич, Тошкент шахри Дўстлик кўчасидан янги қурилаётган йўлгача хамда “Тошкент-Шарқий” аэрадромдан қароргохгача)” объектида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатининг лойиҳа ва стандарт талабларига мувофиқлигини назорат қилиш бўйича лаборатория синовлари ўтказиш учун**

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

| | |
|---|---|
| **Иш бажараётган пудратчи ташкилот ва қурилиш объектининг манзили:** | «Тошкент кўприклардан фодаланиш» УК, Тошкент вилояти Кибрай ва Юкоричирчик тумани |
| **Қурилиш объектининг номи:** | “Тошкент вилояти Кибрай ва Юкоричирчик туманларидан ўтувчи 19,2 км узунликдаги янги йуналишдаги автомобил йўлини ( кўприк ва йўл ўтказгичдан ташқари) қуриш ( 1- боскич, Тошкент шахри Махтумқули кўчасидан 4Р12 автойўлигача, 2-босқич, Тошкент шахри Дўстлик кўчасидан янги қурилаётган йўлгача хамда “Тошкент-Шарқий” аэрадромдан қароргохгача)” |

**Техник кузатув ишларини олиб бориш учун талабгор бўлганларга қўйиладиган талаблар:**

- йўл қурилиш сохаси бўйича кўп йиллар давомида синовларда иштирок этган қурилиш синов лабораторияси бўлиши;
- синов лабораторияси белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган бўлиши
- 2-жадвалда кўрсатилган синов турларини бажариш учун ушбу синов турлари аккредитация сохасида мавжуд бўлиши;
- мувофиқликни бахолаш сохасида фаолият юритиши учун ваколатга эга бўлган (сертификатланган) ходимлари бўлиши
- аккредитация сохасида кўрсатилган барча синовларни ўтказиш учун керакли замонавий лаборатория жихозларига эга бўлиши;
- ошкоралик, холислик принципларига амал килган холда, қурилиш объектининг техник холатига реал бахо бериши

**Лаборатория синовларини ўтказишда хар бир синов натижалари бўйича расмийлаштириладиган хужжатларни тузиш тартиби:**

- Ўтказиладиган хар бир синов натижалари учун алохида синов баённомаси шаклида расмийлаштириш;
- Синов баённомасида хар бир синов натижалари бўйича қисқа, аниқ ва барчага тушунарли холда тузилиши керак;
- Фотолар илова килиш

**Синов баённомалари қуйидаги асосий маълумотларни ўз ичига олиши керак:**

- синов лабораториясининг номи манзили;
- аккредитацияданўтиш рақами, берилган санаси ва гувохноманинг амал қилиш муддати;
- синов учун буюртмачи номи, қурилиш объектининг номи;
- синов баённомаси ёки ўлчов қайдномасининг тартиб рақами, санаси;
- текширилаётган қатлам, конструкция ёки махсулотнинг ишчи лойиҳа бўйича номи;
- намуна олинган сана ва синов ўтказилган сана;
- синов ўтказиш ва меъёрий талаблар кўрсатилган стандартлар (ГОСТ, ШНК ва ишчи лойиҳа);
- лаборатория синовларини ўтказиш учун синов мақсади;
- қўлланилган ўлчов воситалари, синов ускуналари ва қўшимча жихозларнинг рўйхати, номи, метрологик кўрсатгичлари, қиёслов ва калибровкадан ўтказилганлиги тўғрисида маълумотлар (қиёслов сертификатининг рўйхатга олиш тартиб рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати)
- намуна олинган нуқталар бўйича маълумот;
- стандарт ёки ишчи лойиҳа бўйича қўйилган норматив талаб;

- хар бир кўрсатгич бўйича синов натижалари;
- хар бир кўрсатгич бўйича норматив хужжатда белгиланган талаб;
- синов ўтказганган ходимларнинг лавозими, исми шарифи, имзоси, синов лабораторияси ёки ташкилот мухри.

**Тендер иштирокчилари томонидан буюртмачига тақдим қилинадиган хужжатлар нусхаси:**

- ташкилот гувохномаси, низом;
- синов лабораториясининг аккредитациягувохномаси, аккредитациясохаси
- персонал (ходимлар)нинг мувофиқликни бахолаш сохасида фаолият олиб боришга ваколатини тасдиқловчи сертификатлар;

**Лаборатория ишларини олиб боришда бажариладиган ишлар:**

- бажарилаётган қурилиш ишларининг сифати бўйича ишчи лойиҳа ва стандарт талабларига мос келишини назорат қилиш;
- қўлланилаётган хар бир турдаги қурилиш маҳсулотларини кириш назоратидан ўтказиш;
- қурилилиш-монтаж ишларини бажаришда қўлланилган материалларнинг физик-механик хусусиятларини аниқлаш бўйича лаборатория синовларини ўтказиш (1-жадвал)

**Лаборатория ишларини олиб бориш вақтида аниқланадиган кўрсатгичлар рўйхати (1-жадвал)**

| Конструкция ёки маҳсулот номи | Аниқланадиган кўрсатгичлар номи | Норматив хужжатлар |
|---|---|---|
| *Асфальтбетон қопламаси (асфальтбетон қоришмаси)* | **Тайёр конструктив қатламдан:**<br>- геометрик ўлчамлари (қалинлиги, эни);<br>- зичланиш коэффициенти;<br>- сув шимучанлиги;<br>- равонлиги<br>**Асфалтбетон коришмаси бўйича:**<br>- донадорлик таркиби;<br>- таркибидаги битум миқдори;<br>- $50^0$C, $20^0$C, $0^0$C хароратдаги сиқилишга бўлган мустаҳкамлик чегараси;<br>- сувга бардошлиги;<br>- сув шимувчанлиги;<br>- ёриқбардошлиги;<br>- силжишдаги мустаҳкамлиги;<br>- ўртача зичлиги;<br>- қодлиқ ғоваклиги;<br>- қоришма минерал қисмининг ғоваклиги<br>- асфальтбетон таркибини танлаш | ШНК3.06.03.08;<br>ГОСТ9128-2013;<br>ГОСТ26433.1-89;<br>Ишчи лойиҳа |
| *Асос қатламлари (шағал-қум аралашмаси)* | - геометрик ўлчамлари (қалинлиги);<br>- зичланиш сифати;<br>- донадорлик таркиби;<br>- таркибидаги чанг-лой зарралар миқдори; | ШНК3.06.03.08;<br>ГОСТ25607-2009;<br>Ишчи лойиҳа |
| *Ер кўтармаси (грунт ишлари)* | - зичланиш коэффициенти<br>- максимал зичлиги;<br>- донадорлик таркиби;<br>- грунтнинг физик-механик хусусиятлари | ШНК3.06.03.08;<br>ГОСТ25100;<br>ГОСТ22733;<br>ГОСТ5180<br>Техник спецификация;<br>Ишчи лойиҳа |
| Цемент бетон қопламаси ва монолит темир бетон (бетон қоришмалари) | **Тайёр конструктив қатламдан (қоплама):**<br>- геометрик ўлчамлари (қалинлиги);<br>- мустаҳкамлиги;<br>**Бетон коришмаси бўйича:**<br>- қулай жойлашувчанлиги;<br>- сиқилишдаги мустаҳкамлиги;<br>- эгилишдаги чўзилиши бўйича мустаҳкамлиги;<br>- ғоваклиги;<br>- харорати;<br>- сув ажралувчанилиги;<br>- қатламланиши;<br>- қоришма қулайжойлашувчанлигининг | КМК 3.06.06-08<br>ГОСТ7473;<br>ГОСТ10181;<br>ГОСТ27006;<br>ГОСТ18105<br>Ишчи лойиҳа |

| | | |
|---|---|---|
| | сақланиш хусусиятлари;<br>- бетон таркибини танлаш | |
| Юқори қатлам асоси<br>(кам цементли шағал-қум аралашмаси) | **Тайёр конструктив қатламдан (қоплама):**<br>- геометрик ўлчамлари (қалинлиги);<br>- зичланиш коэффициенти;<br>- зичланиш сифати;<br>- равонлиги<br>**Қоришма бўйича:**<br>- сиқилишдаги мустаҳкамлиги;<br>- эгилишдаги чўзилиши бўйича мустаҳкамлиги;<br>- оптимал таркибини танлаш | КМК 3.06.06-08<br>ГОСТ23558;<br>ГОСТ10181;<br>ГОСТ18105<br>Ишчи лойиҳа |

**Қўшимча изохлар:**

- ишларни бажариш муддати шартнома тузилган вақтдан бошлаб, йил якунига қадар;
- лаборатория ишларини бажариш учун шартнома қиймати 1 одам/кун учун 700 000 (етти юз минг) сўмдан кўп бўлмаган (агарда қўшимча қиймат солиғига белгиланган бўлса, 805 000 сўмдан кўп бўлмаган); умумий қиймат 201 250 000 сўм.
- буюртмачи томонидан ишларни бажариш учун шартнома имзоланиб, тасдиқланган кундан бошлаб, 5 иш куни ичида иш бажарувчига 15% дан кам бўлмаган миқдорда аванс тўлаб берилади;

В. Ураев